

## ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ

*ТДИУ "Яшил" иқтисодиёт ва барқарор бизнес кафедраси  
проф. и.ф.д., (DSc) А.А.Ядгаров*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги Фармонида берилган 30-мақсади талабларидан келиб чиқиб "Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очик танлов асосида ажратиш. 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очик танлов асосида узок муддатли ижарага бериш. Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мевасабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 барабар ва иссиқхоналарни 2 барабар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш" масалалари белгилаб берилди<sup>10</sup>.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида охириги ўн йилликда ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳажмини оптималлашуви, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва соҳага илғор инновацион агротехнологияларни жорий этилиши, қишлоқ хўжалигида уруғчилик ва наслчилик ишларини яхшиланиши, қишлоқ хўжалигида селекция ишларининг самарали ташкил этилиши ва экин турларининг районлашган навларини жорий этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари хусусан, фермер хўжаликларининг ихтисослашув ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, вилоятларнинг худудий жойлашуви, тупроқ унумдорлиги кўрсаткичлари, тупроқ шўрланиш ҳолати, сизот сувларининг жойлашув ҳолати,

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги Фармони. [хтпс://lex.uz/ru/doss/5841063](https://lex.uz/ru/doss/5841063)

худудий ер майдонларининг мелиоратив ҳолати, моддий-техника таъминоти, меҳнат ва бошқа ресурслар билан таъминланганлик даражаси бошқа омилларга қараб қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга мослаштирилади.

Бугунги кунда иқлим ўзгаришларининг таъсирини юмшатишда Яшил иқтисодиётга ўтишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан, иқлим ўзгаришларининг қишлоқ хўжалигига таъсирини олдини олиш ва бу борада керакли чора-тадбирларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Йилдан-йилга иқлим ўзгаришлари хавфининг ортиб бориши, техноген ва кутилмаган табиий офатлар натижасида молиявий талофатларнинг йилдан-йилга ортиши, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши дунё ҳамжамияти ва тадқиқотчиларининг эътиборини ўзига тортган ҳолда халқаро суғурта ташкилотларини ҳам таҳликага солмоқда. Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, иқлим ўзгариши натижасида дунё миқёсида кучли сув тошқинлари, қишқи бўронлар, қурғоқчилик ва бошқа турдаги табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар сўнги ўн йилда 5-6 фоизга ўсиб бормоқда. Иқлим ўзгариши таъсирининг кучайиши, қишлоқ хўжалиги фаолиятига жиддий таъсири натижасида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда<sup>11</sup>.

Халқаро даражада юзага келаётган турли табиий хавф-хатарларни бартараф этиш ва жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришлари таъсирини юмшатишда суғурта фаолиятини устувор даражада ривожлантиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Авж олаётган глобал иқлим ўзгаришлари, жаҳон миқёсида аҳоли сонининг ортиб бориши ва унга мутаносиб равишда озиқ-овқатга бўлган талабнинг ўсиши қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ҳамда соҳа ривожига инновацион ёндашувни талаб қилади.

<sup>11</sup> Asian Development Bank (ADB) [https://www.adb.org/adou-2021bp-climate-change-agri-insurance-asia-pacific %20 \(1\).pdf](https://www.adb.org/adou-2021bp-climate-change-agri-insurance-asia-pacific%20(1).pdf)

Яшил иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда замонавий яшил технологиялардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни сифатли сақлаш, қайта ишлаш ва жаҳон бозорларига экспорт қилиш бўйича мақсадли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар кўзланган асосий мақсад озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорларимизни тўлдириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга имкон яратади.

Аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалигида суғурталашни кенг жорий қилиш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини оширишда суғуртавий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги фармонида бевосита қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос кредитлаш ва суғурталаш механизмини такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Шу боис, аграр секторни суғурталашга янгича ёндашишни талаб қилади.<sup>12</sup>

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни бартараф этишда айнан аграр сектор корхоналари ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликларини суғуртавий ҳимоялаш давр талабига айланди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулуксиз таъминлашда деҳқон ва фермер хўжаликларининг ўрни катта аҳамиятга эга.

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги фармони. <https://lex.uz/docs/4567334>

Аграр соҳада барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экишдан тортиб то уни қайта ишлашгача бўлган жараёни турли хавфлардан ҳимоялаш давр талабига айланди. Бу эса республикамизда қишлоқ хўжалигини суғурталашга бўлган талабни янада оширмоқда. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири сифатида ишончли суғурта хизматларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларни ва аҳоли ҳаёти ҳамда мол-мулкни суғурталаш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда.



“Innovations in Science and  
Technologies”